

Энг эзгу туйғулар уйғонмиш бугун



Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига, ҳар бир хонадонига Наврўз файзу тароват билан кириб борди

ҳам мўл бўлади, ёмғирни ҳам берди». Бу ҳамманинг озгидаги гап. Шунданми, Наврўз олди тadbирлари кўпайиб кетди. Айниқса, бунёдкорларимиз қудратидан барча ҳайратла қолди. Шу кун **Қашқадарё**нинг Муборак туманида техника, Қарши шаҳрида қишлоқ хўжалик коллежлари, Қамаш туманида гишт, **Самарқанд**нинг Нурободида сут заводлари, мухташам меҳмонхона, **Сурхондарё**да эса кўркам деҳқон бозори ва мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

— Бугун Термиз отчопарида ҳар бир туман кўрғонига баҳо бердик, — дейди сурхондарёлик меҳнат фахрийси Қахрамон Бобоқулов. — Бир-бирдан жозибали кўрғамалар баҳри дилингизни очди.

Бу бор гап. Бу Наврўз тантаналарида ҳам яққол билинди. Шу кун бир ёнда кураш бўлди, бир тарафда эса дилни қитқ-

неча жойида сумалак, ҳалим пиширилди. Бош майдонда байрам тантаналари ниҳоятда мазмунли ўтди. Шу кун ҳомийлар томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва етим-есирларга хайрия совғалари топширилди.

Қадим **Бухоро**да Наврўз юмушлари анча илгари бошланган десак хато қилмаймиз. Кунлар исиб кетиши билан бу ерда ободонлаштириш ишлари қизгин тус олди. Кеча Бухоро шаҳрида Наврўз тантаналари шоду хуррамлик билан ўтди. 1800 кишига мўлжалланган майдонда байрам томошалари бўлди. Байрамга Бухоро шаҳрида иккита бог барпо этилди. «Истиқлол» боғи 57 гектар, «Фотиҳобод» деб номланган бог эса 14 гектар майдонни эгаллайди.

Шу кун «Қорақўлтёк» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, Бухоро туманидаги «Маданият»

ерга чигит тушди. Бешариғу Бағдолда, Олтиариғу Кувада янги-янги мустақиллик иншоотлари қад ростлади: Касб-хунар лицейлари, соғломлаштириш муассасалари, қўшма корхоналар...

Ана шундай қутлуғ кунлар арафасида кунчиқар мамлакатдан **Андижон**га хушхабар келди: избосканлик 6-синф ўқувчиси, ёш мусаввир Дилфуза Матбобоева Японияда ўтказилган расмлар танловида беш минг иштирокчи орасида мутлоқ ғолиб бўлди! Бу хушхабардан ҳар бир андижонликнинг қалби ғурурга тўлди: бу мустақиллик шарофати!

Янги кўрғоннинг Нанайидаги оддий қишлоқ қизи, ўн тўрт ёшли Ҳолида Мирзаакбарова республика миқёсидаги соврин-Зулфия номидаги мукофот соҳибаси бўлди!

Эҳ-ҳе, Наврўз тухфаларию таомларини айтмай-сизми?! Маҳаллаю гузар-

билан тенгдош тўрт гектарлик боғига фахр билан боқаркан.

Бундай кўтаринкиликдан Заркент адирларию Қатронтоғ ён бағирларида ал қад ростлаган Наврўз даракчилари — бинафшаю чучмома ҳам сармастлай гўё. Жамалак сочларига толпоқ таққан қизалоқлар, тол хипчинидан «той» минган болакайларнинг-да қувончларининг чеки йўқ.

Шу кун шаҳрихонлик уч аср гувоҳи Робинисо момо дуога қўл очди: Наврўзнинг қалами қутлуғ келсин.

Наврўз тантаналари 20 март кун қўриқ Эллиққалъа туманидан бошланди. Туман маркази Бўстон шаҳрида **Қорақалпоғистон Республикаси** жанубидаги илк академик лицей биноси фойдаланишга топширилди. Унинг тантанасида **Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси** Раиси Т.Камолов, Вазирилар Кенгаши Раиси А.Тожиёв иштирок этидилар.

Шу кун «Нукус-Султонвайс тоғ-Мискин-Учқудуқ» темир йўлининг «Эллиққалъа» шохбека биноси ҳам фойдаланишга топширилиб, «Нукус-Тўртқўл» йўловчи поездининг ҳаракати бошланди. Тўртқўлда тантанали йиғилиш ўтказилди.

Беруний шаҳрида мусулмон оламининг азиз сиймоларидан бири Шайх Аббос Вали ҳазратларининг макбараси қайта барпо этилиб, ободонлаштирилди. Тахтақўпир ва Амударё, Қўнғирот ва Бўзатов, Хўжайли ва Чимбой, Қанглиқўл ва Қораўзақда ҳам Наврўз айёми кўтаринки руҳда ни-

шонланди. Кегайлида касб-хунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди.

Наврўз тантаналарининг асосий қисми 21 март кун Нукусдаги «Турон» стадионида давом эттирилди. Бу ерда тикилган ўтовларда ёзилган дастурхонларда баҳор таомлари тортилди. Ушбу масканда халқ томошалари, спорт уйинлари, катта концерт дастури намойиш этилди.

Урганч шаҳри майдонлари, истироҳат боғларида Наврўз тантаналари ўтказилди. **Хоразм вилояти** санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг байрам дастурлари халқ сайилларига улашиб кетди.

Айниқса, Жалолиддин Мангуберди ёлгорлик мажмуидаги шодиёналар сермазмун ва унутилмас бўлди. Ёшларнинг, ўқув даргоҳлари талабаларининг юрт, истиқлол, нури келажак, бахту баҳорни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлари, бадий композициялар табаррук масканга янада кўркамлик бахш этди.

«Спартак» стадионида воҳа спортчилари ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

Отаҳий номидаги театрда вилоят жамоатчилиги вакилларининг Наврўзга бағишланган тантанали йиғилиши ўтказилди. Театрлашган томошалар ва концерт дастурда қутлуғқам Наврўз, унинг шарофатлари, улуғланди. Байрам дастурда айёмдан айёмга юксалаётган Ватанимизнинг буюк келажигига юксак ишонч акс этди.



Тошкент вилоятида Наврўз тантаналари бевоқифа туманларнинг ўзида ўтказилиши одатта айланган. Наврўзни янгилашни байрами, деймиз. Шу боис вилоятда кенг миқёсдаги ободонлаштириш ишлари бажарилди. 257 минг туп манзарали, 266 минг туп мевали дарактлар, 166 минг туп терак кўчатлари экилди.

Зангиота туманидаги шодиёналарда ҳар бир хўжалик, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ўзининг «кўналга»сини ташкил қилди. Уша кун қишлоқ аҳолисининг байрам тантаналарига келиб кетишини хўжаликлар ўз зиммаларига олишди.

Шароф Рашидов тумани **Сирдарё вилоятининг** шароити бирмунча оғир худудлардан ҳисобланади. Шунга қарамай Наврўз кун туман марказида 4 гектардан иборат «Шароф Рашидов хиёбони» фойдаланишга топширилди. Эндиликда туман меҳнат аҳли байрамлар ва турли тadbирларни ана шу боғда ўтказишади. Меҳнатобод,

Сирдарё ва Боёвут туманларида ҳам янги боғлар барпо этилди.

Қишнинг охириг ойна илтиқроқ келганиданми, **Жиззах**нинг тоғли Зомин, Фориш ва Бахмал туманларида Наврўз одағидан эртароқ нишонланди. Зомин, Ғаллаорол ва Бахмалда шодиёналар табиат қўйнида бўлиб ўтди. Одамлар кўм-кўк майса билан қопланган қир-адирларда куй-қўшиқлар эшитишди, улоқ чопишди, миллий спорт уйинларимизни намойиш этишди. Бун қўриб турган бахшилар шодиёналарни шу ернинг ўзида ўлан қилиб айтиб беришди. **Жиззах** вилояти марказидаги тантаналар эса кеча Истиқлол мажмуининг «Форум»ида бўлиб ўтди. Шоира Сайёра Тўйчиева айтганидек:

*Кўклам келди ният
хўб тоза бўлди,
Наврўз гўзалликка
андоза бўлди.
Жиззах деган юрда
бошланган байрам,
Бахмал қирларида
овога бўлди...*

Юртимизнинг кунгай томонларида бодом гуллаб, ўрик гулга ўтирганда қор ёғди. «Меваларни совуқ уриб кетсая» деган хавотирдан ҳамманинг юраги бир ҳаққирди. Хайриятки, шохқолоқ бодом бир кунлиши, холос. Ўрикларнинг оппоқ гуллари ҳаво исигач ҳам тушмади, тўкилмади. «Халқимизнинг ризқи бутунлигидан, Наврўзнинг қадами қутлуғлигидан бу». Бу кўпни кўрган оқсоқолларнинг гапи. «Энди бизда дон

ловчи наволар тонгача сомага ўрлади. Шу кунларга етказганига шукрона ўқилди. Нияти пок, меҳнати ҳалол одамлар яна нима ҳам дейишарди. Зеро, юрт тинчлиги — бебаҳо бойлик.

Наврўз вилояти аҳолисининг Президентимиз ташрифидан кўнгиллари нурафшон бўлди. Зеро, Наврўз бу ерда зўр кўтаринкилик билан нишонланди.


Кеча вилоят маркази Навоий шаҳрининг бир

ширкат хўжалигида 624 ўқувчига мўлжалланган мактаб ва қишлоқ тиббиёт маскани, Қоғон шаҳрида 320 ўқувчига мўлжалланган мактаб-интернат биноси, вилоят шойлининг тиббий ёрдам марказининг Фиждувон, Қоракўл, Қоровулбозор туманларида бўлимлари ишга туширилди.

Бу йилги Наврўз сўлим **Фаргона** ахлига бир умрга муҳрланиб қолгучи лаҳзаларни инъом этди. Ҳали баҳор насими эсмай туриб

ларда, ҳар уч хонадоннинг бирида дошқозонларда қайнаётган сумалак, **Наманган**нинг «Гурумсарой»ида ердан униб чиққан икки қулоқ гўза ниҳоллари... йилнинг қутлуғ келишидан дарак бераётгандай.

— Мен яратган бодомзор бог ҳам ўн ёшга кирди, — дея фахрланади тошқоқлик Омонжон Халилов Мустақиллик



Қишлоғимиз кишилари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тadbиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўлаб фидойи, тиниб-тинчимас юртдошларимиз замона берган имкониятлардан фойдаланиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида хайрли ишларни амалга оширишяпти. Сарносёлик ёш тadbиркор Аслиддин Низомиддинов ана шулардан биридир.

... Маҳалла худудидаги ташлақлик жойни ободонлаштириш, уни кўркам ва серфайз масканга айлантириш ҳақида анчадан бугун айланарди. А. Низомиддинов 1996 йил феврал ойида уч кишини ёнига олиб, бу ерда иш бошлаб юборди. Барча харажатлар — ўз ҳисобидан. Автомобилларга ёнида қўйиб шохобчасини сотиб олиб, уни қайта таъмирлади.

Шарқона қиёфа касб этган ва «Жасуфа агробизнес» деб номланган ушбу мажмуа айна кунда мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Кўпнинг дуоси тиниб-тинчимас тadbиркорни эзгу ишларга руҳлантираётти. У 2490 кишининг бошини қовуштирган «Хур Ватан» маҳалласида ўталган тўй-маросимлар, турли тadbирлар, айниқса, анъанага айланиб қолган Наврўз ва Мустақиллик байрамларида ҳаминша бош-қош. Кам даромадли, серфарзанд ва қаровчисини йўқотган оилалардан моддий кўмагини аямаяди. Албатта, бозор муносабатлари шаронтида

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ



бундай мурувват ҳар кимнинг ҳам қўлидан келар-майди. Маҳалла оқсоқоли Саиджон Бобоевнинг айтишича, ундаб ногирон ва

меҳнатта яроқсиз кишилар, кўп болали оилалар тadbиркорнинг амали ёрдамидан баҳраманд. Ҳар чоракда уларга 25-30 минг сўм

моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак бериб борилади.

Айна кунда «Жасуфа агробизнес» мажмуида қурилиш ишлари бир дақиқа суяйтирилгани йўқ. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, бўш майдон ўрнида мол бозори барпо этилмақда. Ёнида қўйиш шохобчасида эса асосан аёллар меҳнат қилишапти. Хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли мижозлар сони кўпайиб бормоқда. 2001 йил охиригача автомобилларини таъмирлаш устaxonаси, чойхона, савдо дўкони фойдаланишга топширилди. Бу шохобчаларга қиш-

лок аҳолисидан 60 нафарини ишга жалб этиш кўзда тутилган.

Аслиддин маҳалла болаларининг жисмоний камолотига ҳам бефарқ эмас. Унинг ўзи спорт шикибози эмасин, ёшлар тарбиясида муҳим ўрни тутадиган бу соҳага алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, маҳалладаги «Хур Ватан» футбол жамоаси учун ёрдамини, мусобақаларни ташкиллаштириш учун вақтини аямаяди. Жамоа туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда яхши натижаларга эришяётганлиги ҳам шундан. Яқин орада у ёш спортчиларга махсус кийим-бош совға қилиш ниятида.

Орамизда шундай инсонлар бор экан, маҳалла-қўй обод бўлиб, ҳаётимиз чирой очаверида.

Жамила ЭШОНҚУЛОВА, Сурхондарё вилояти.

Не тонгадир, тенг бўлса кундуз билан тун!

Инсон мўъжизага дуч келганда ҳайратга тушади. Бу табиий. Аммо бундан 3-4 йил бурун янги дунёда мажлаб турган кўм-кўк денгизга, гул очиб, яшнаб турган бог-роғларга, етти иқлимнинг етти мўъжизасига тенг ноёб қорхонага дуч келиб қолсангиз-чи? Унда қандай ҳолга тушасиз? Юрагингизда қандай ҳис-туйғулар жўш уради? Менимча, бунга сўз билан ифодалаш қийин бўлса керак. Аммо бир савол туғилиши аниқ. Улуғ халқ кудрати қачон жўш уради? Қачон у оламни ўзига маҳлиё айлайди? Қачонки эркин ва озод бўлса, бирова муте ва қарам бўлмаса унда ҳайратларга боис мўъжизалар яралаверади. Мен бунга Шўртангаз кимё мажмуида бўлганимда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Ҳайрат

Хабарингиз бор, бундан бир неча йил аввал Шўртангаз кимё мажмуи қурилиши бошланган. Унинг қурилишига кўп миқдорда чет эл сармояси жалб этилганлигини ҳам, қорхона энг замонавий чет эл технологияси асосида барпо қилинаётганини ҳам, юрдошларимиз билан бирга кўплаб хориқлик мутахассислар ишлаганини ҳам яхши биласиз. Ушбу мажмуада йилга 125 миң тонна полиэтилен ҳашаёси қайта ишланиши, бу халқ ҳўжалиги учун нечоғли катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунасиз.

Ҳўзор тарафдан мажмуа томон бора-боргунча ўлқоқор. Яқиндагина ёйиб ўтган қордан кейин майсалар бирдан бош кўтарган, ранги ҳам ям-яшил тўсди. Қараган сайин қарагингиз келаверади. Яшиллик кўзини кўнатилади. Бейхитёр кўнглига ажиб ҳислар қўйилб келаверади. Болаликка қайтмиғиз, ялангоёк бўлиб юғурингиз, чап-чапча ёйиб пага-пага булутлар умбалак ошаётган зағулар осмонга термултиғиз ва сакраб ўриниғиздан туриб, хайкирингиз келмайдими? Келасди. Баҳор-да. Бор селани ёйиб ташлаган.

Йўл-йўлакай ана шу майсаларга маҳлиё бўлиб боқарканмиз орамчидай тизилган турналарнинг «куррей-куррейси» нигоҳини осмонга қаратди. «Сербарака жойда турна бўлади. Турналар ҳар жойга ҳам кўнавермайдими», деган гаплар хаёлимдан ўтди. Турналарни бу ерда нима тортиди экан? Кўнглимдан келган шу савоғга зум ўтмай жавоб топдим. Йўлнинг ўнг тарафида кўм-кўк денгиз мавжланиб ётарди. Ҳақикий денгиз. Фақат одамзод кўли билан бунёд этилган.

Тўхтаимиз. Йўлнинг ҳар икки тарафи тартиб билан қатор қилиб экилган дароҳт ниҳолларига кўзимиз тушади. Инсон кўли гул деганлари шу эмасми? Тероқ, қарағай, қайрағоч, ясин (заранг), аморфа, катальга каби манзарали дароҳт ниҳоллари билан бирга олма, ўрик, шафтоли, олча, хурмо, бодом сингори мевали дароҳтлар қўчатлари ҳам экилган. Қўчатзор оралиб, денгизга яқинлашсангиз бомайликотир сувда сузиб юрган ёввойи ўрдақлару розларга кўзингиз тушади. Аҳён-аҳёнда балиқлар сакраб чиқадими, яна сувга шўнғийди. Афсона эмас бу. Эртас ҳам эмас. Бор гап. Тўғри 3-4 йил бурун бу жойлар кўм бархоналаридангина иборат эди. Шўртгаз тизмалари ҳам, ана шу кўмликлар ҳам оппоқ туз билан қопланган. Бежизга бу жойлар шўртанг дейилмаган. Ана шу шўртанг жойда шафтоли дароҳтининг напармон, ўрикнинг оппоқ гуллари кўриб ҳайратланмайсизми. Қор ёғди. Сувқ бўлди. Аммо уларни совуқ уради. Бу ҳам ҳайратга арзимайди.

— Худойим меҳнатимизни, машаққатимизни ҳисобга ол- ташлаган.



ганда, — жилмади Қарши ўрмон ҳўжалиги директори Рузи Қаҳҳоров. — Завод атрофи-

даги 1000 гектар майдонда бог-роғ яратиш бизга топширилган эди. Ҳозиргача 322 гектар бог қилдик. Олди ҳосилга кирди. Дароҳтларнинг гуллари- га қаранг, гуллари... Чирой- ли-а. Илоийм, кўз тегмасин. Шомурод бова Йўлдошев 62 ёшда. У билан саломлаша туриб, бейхитёр кўли тараша- дек экан, деган фикр ўтади хаёлимдан. Юзига боқаман. Нондек исиж. Меҳнат билан қабарган, қадоқ бўлган бу кўлар нақадар табаррук.

— Шу ернинг ўзида бу йил кўчат етиштирамиз, — дейди Шомурод бова. — Терақдан 50 миң, тойдан 200 миң. Гу- жум, қайрағоч, заранг, олча — бариси шу ерда етиштирилади.

— Қийин эмасми? — Осон иш борми? — кўлади отахон. — Бир кунда бир киши 42 та кўчат экиши керак. Лекин кўчат қазиш муш- кул. Ер қаттиқ. Белкуррақлар си- ниб кетади. Ҳатто техника ҳам яраммайди. Лом билан қовлаб, бир киши кунда 3-4 та чўқур қазийди. Лекин нопмайимиз. Қилгилмиз, қиламиз. Эркинлик- нинг нонини елмиз. Ҳузурини ҳам ўзимиз кўрамиз-да ахир.

Хаммаси ўзимиз учун- ку эди. У шундай деганча мам- нулик бил- лан жилмади.

— Ана қоратоллар соя бериб қолди. Қоратол нима де- ган? Била- сизми? Толиққонга толмон. Мағхаму болман.

— Ҳа, мана сизга яна бир

хайрат. 62 ёшли отахонгина эмас, бу ерда ишлаётганларнинг ҳар бирининг миёсида шундай фикр бор. Бу нимадан? Кўз кўрса, кўнгли ўзгаради шундай оламшумул ишлар бўлиб турса. Унинг фойдаси ўзларига эканлигини билса, ким машаққатдан чўчийди?

Шўртан маҳсус ўрмон ҳўжа- лиги ҳам бор. Унинг директори Сайдулла Пирназаровнинг айтишича, 8 миң гектар ерга кўчат экишлари керак экан, 5 миң гектарга экилибди.

— Бодом, жийда, хурмо, ўрик, тоғолча, ёнғоқ меваларидан тартиб, узумнинг қарағў- зал, хўсайни, қора кишишиш, оқ кишишиш, тоифи — бори- бариси бўлади. Достлаб 50 гек- тар жойга экилган ниҳоллар ҳосилга кирди, — дейди у. — Сақсовулзорларимиз ҳам кен- гойиб боряпти. Қисқаси завод атрофи кўкаламзор, ям-яшил бўлади. Отқудуқ, Тошқудуқ, Шўрқудуқ, Таҳам, Кенсой киш- лоқлари жойлашган катта ҳудуд яшил воҳога айланади.

Унинг идораси энг баланд қирда жойлашган. Бу ердан шабадада мавжланаётган сув амбори, завод, бог-роғлар кафе- далик кўринадими. Аммо ша- мол сочларининг тўқиллаб кочади. Ёзда эса тўзон кўз очиргани кўймайди. Чайнаган лўқманг қўмдан ничирлайди. Энди шундай бўлмайди. Яшил иҳота бор. Булар шўннинг учун ишляшяпти-да.

— Меҳмон бўлиб кетинг, — хўшнуд сўзлайди у. — Қизла- римиз сумалак қилишяпти. То- моша зўр бўлади. Қураш қила- миз. Ҳўрознинг олишганини, кўчорнинг шохлашганини кўрмаган бўлсангиз, кўросиз. Мияли Қаримов, Ёқуб бова Алланазаровга ўхшаш бог-но- ларимиз думбирани кўлга олса, нақ бошшининг ўзи дей- сиз.

Булар ҳам ҳайратга боис ишларми? Ҳа, ҳеч истисносиз. Мана кеч тушди. Атроф чоро- ган бўлиб кетди. Шунда бир курувчининг «Эй, ака, бу жой- га худонинг назари тушган, Президентимизнинг қодами теккан. Обод бўлади-да» деган гапларини эсладим.

Ҳа, бу фақр, ифтихор, нурур бежиз эмас. Ана шу яратиш, қуриш, ободонлаштириш иш- ларнинг бошида ким туриб- ди? Ана шу ишлар ким учун, нима учун бўляпти? Бунинг барисини улар билиб, юрак- дан ҳис қилиб туришяпти.

Ҳайратларга сабаб бўлувчи ишлар Шўртангаз кимё маж- муида жуда кўп. Мен булар- дан айримларинигина тилга олдим, ҳолос.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шимода чигит

ЭКИШ БОШЛАДИ

Қорақалпоғистонда ҳам плёнка остига чигит экишга киришди. Мавсуни Ҳўжай- ли туманидаги «Оқ олтин» ширкат ҳўжалигининг Р.Ма- муртов етакчилигидаги брига- да бошлаб берди. Бу йил 660 гектар ерда Андижон усулида чигит экишни режалаштирган Ҳўжайли туманида ҳозир 13 та сепка учумли ишлатилмоқ- да. Плёнка остига чигит экиш 1 апрелгача тугалланади.

Алоқачилар

ТУҲФАСИ

Наврўз байрами арафасида Андижон шаҳридаги 21 миң нафар хонадонда телефон ўрнатилди. «Андижон Телеком» вилоят акционерлик жамияти



Наврўз хабарлари

мутахассислари Андижон, Аска, Хонобод ва Қорасув ша- харларида янги АТСларни фой- даланишга топширди. Шу мақсадда 151 километр узун- ликдаги рақамли оптик-тола- ли кабеа ётқизилди. Ушбу иш- ларни амалга оширишга Ко- рея Республикасининг иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси то- мондан ажратилган 6 милли- он 420 миң АҚШ доллари сарфланди. Вилоят маркази- нинг янги тураржой даҳала- рида телефон алоқаси йўлга қўйилди, хўссусан, аҳолиси зич жойлашган Ойшаоним даҳа- сида 6 миң абонентга мўлжалланган 35-АТС ўрна- тилди. Бўстон даҳасидаги АТС қуввати мингта рақамга қўйилди, Боғишамол даҳ- асидаги эскирган станция ал- маштирилмоқда. Вилоят мар- казининг диниял кўжа бўла- ларини капитал ва оддий таъ- мirlаш учун катта миқдорда- ги маблағ ажратилган. Бу алоқа сифатини янада яхши- лашга хизмат қилади.

«Наврўз» — жамғар- малар бойчечаги. Бойчечак — баҳор элчиси, — дейди Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Дада- хон Ёқубов. — Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак. Доим айтар гапимиз: Гап билан шовша, иш билан шовш. Хайрда хайрлик бор, кут бор, барака бор. Аллоҳ- нинг сен бирни берсанг, мен сенга ўрни бераман, деган гапи бор. Жамғарма ташкил топган йили бир неча миллион сўмлик ҳайр- эҳсон қилган бўлса, 2000 йилга келиб 102 миллион сўмлик хайр-эҳсон ишларини аҳолининг муҳ- фазага муҳтож қатлами орасида амалга оширди. Ҳозирги вақтда жамғарма- нинг 16 та вилоят, туман



Байрам давом этар...

булимлари, 40 дан ортиқ кичик қорхоналари, жумла- дан, «Фазли-Қамол» дўко- ни, Андижондаги «Қорағу- нон» қорхонаси, Тошкент- даги «Нигина», «Тадбир- кор» ва «Мастон» кичик қорхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Оила йилида кўплаб оилаларга ёрдам уюшти- рилган бўлса, Аёллар йи- лида серфарзанд аёллар- га, Соғлом авлод йилида болалар саломатлигига, Аналар ва болалар йили- да она ва бола саломат- лигига атаб маблағлар сарфланди ва сарфлан- моқда. «Наврўз» ўз асосий мақсадини — Наврўз бай- рамини қўллаб-қувватлаш ва уни ўтказишда моддий, маънавий вазифасини унутмайди. Шу кунни тад-

бирлардан тушган тушум- лар, шубҳасиз, «На- врўз»-ниқидир. Хўссусан, бу йилги Наврўз тантаналари ва бошқа келгузи хайрия тадбирларига жами 107 миллион сўм маблағ сар- флаш режалаштирилган. Дейлик, «Ватан — она» тадбирига 3 миллион сўм, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ўн йиллиги олдидадан етим-есир, ноғи- рон, ёлғиз она, қариялар- га, камхарж, серфарзанд оилаларга бир неча ўн миллион сўм хайрия қил- моқчимиз.

Ҳаши ният — ярим дав- лат. «Наврўз» жамғармаси- нинг эзгу тилаклари амал- га ошаверсин!

Ўрол ЎЗБЕК.

«Ғайрат»да Ғайрат ўзгача

Новдалар куртакдай бош- ладими, деҳқоннинг ороми йўқолади. Наманган тумани- даги «Ғайрат» ширкат ҳўжа- лигида баҳор юмушлари Наврўз тадбирлари билан қўшилиб, ишлар тигизлаш- ган. Ерларни экишга тайёр- лаш баробарида боғлардаги юмушларга алоҳида эътибор берилиб, йўл, ариқларнинг бўйларига кўчат ўтказилля- пти. Марказий кўрғон — Кум- кўрғонни гуллар масканига айлантириш мақсадида ис- сиққоннада ўстирилган турфа хил гул қўчатлари экишга шайлаб қўйилди.

— Наврўз тадбирларини алақачон бошлаб юбор- ганмиз, — дейди бошқарув раиси Фаридахон Аҳмедова. — Яқинда қайта таъмирла- ниб, ишга туширилган ма- шина-трактор саройида ме- ханизаторлар учун ажойиб байрам ўтказдик. Сауна, дам олиш хонаси, кутубхона, теннис столи, йиғиларни кўриб, очиги, йиғилар- нинг кўзи чақнаб кетди. Энди бригадалар ўртасида «Балли, қизлар!» танловини ўтказамиз. Унда «Энг яхши пазаанда», «Энг яхши ке- ллин», «Энг яхши қайнона» номини оланларга гилам, пойандоз ва хонатлас каби совғалар топширилади.

Ғайратликлар бу йил Наврўзни янги қурилган «Оталар чойхонаси»да ни- шонлашди. Атрофида но- ввойиҳона, музқабат ва кун- далик харид моллари дўко- лари бўлган бу жой ҳашар усулида барпо этилди. Аҳмадхон Мусаев, Жалил ҳожи Жўраев, Исроил Ка- римов каби кўпни кўрган қариялар чойхона нафақат кексалар учун оромгоҳга, балки ёшлар масканига ай- ланади, дейишмоқда. Ҳўжа- ликнинг «Бунёд» ҳаваскор- лар дастаси унинг очилиш маросимига бағишлаб катта дастур ҳозирляпти.

— Ҳўжалигимизнинг 900 га яқин аъзоси бор, — сўзи- ни давом эттирди раис. — Ҳаммаси бултурги меҳнат натижаларидан хурсанд. Чунки, қўшимча иш ҳақига 20 миллион сўм, дивиденд учун 10 миллион сўм олиш- ди. Бугун-эрта плёнка ости- га чигит экишга киришамиз.

Наврўз ва яшариш фасли шуқуҳи деҳқон ғайратини чандон оширган рост. Бод- роқдек гуллаган ўрик, ер бе- тини қоплаган майсалар тафтидан унинг кўкси тоғ. Экиннини экиб, байрамни ўтказиб олса, кўнгли янада тўлади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўш саҳифадаги суратларни Н. МУҲАММАДЖОНОВ ва Д. АҲМАДЛАР олган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИ УЧУН БАҲОР БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН ҚУЙДАГИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚЎЙИЛМАНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

“Наврўз” кўйилмаси

— пуллар йилига 70% даромад тўлаш шарти билан 12 мартдан 23 мартгача (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.



Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафилдир.

Қўшимча маълумотларни сиз қуйдаги телефонлар орқали (99871) 1376283, 1376281 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

Сизга шеър айтгим келди

ОФТОБ ИЛА АЙЛАР ГУРУНГА

Наврўз келди, бу дунёнинг... Келди деймиз, кетди деймиз... Бурканибди гул-майсага...



Новдалар кўксига ажиб бир титроқ... Турғунбек МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.

Баҳор жилоси

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида умухалқ байрамига бағишланган "Наврўз-2001" республика бадий кўргазмаси ташкил этилди.

ри акс эттирилган картиналари, О.Қозоқовнинг юксак маҳорат билан яратилган портретлари, фарғоналик қўли гул уста Л.Семизоровнинг гобеленлари, тошкентлик зардузи Б.Аноркуловнинг зардузи либослари, каштачилик буюмлари санъат ихлошмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

«O`zbekiston temir yo`llari»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2001 йил 31 мартгача юк ташуш бўйича тарифларнинг арзонлаштирилганини маълум қилади.

1. Мамлакат ичигаги

йўналишларда юк ташиш:

- нефть маҳсулотлари - 10%га;
- минерал ўғитлар - 20%га.

2. Экспорт-импорт

маҳсулотларини ташиш - 30%гача.

Маълумот олиш учун «O`ZBEKISTON TEMIR YO`LLARI» компаниясининг тариф бўлимига 136-43-42, 59-69-85 телефонлари орқали мурожаат қилиш мумкин.

ОЙҚОР ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

Туман ҳақида туман раҳбарининг китоби қандай бўлиши мумкин? Бахмал тумани ҳокими Муса Анорбоевнинг «Ойқорнинг оқ тонглари» китобини қўлимга олганда ўзимга ўзим ана шундай саволни бериб кўрдим.



Мутулоа

ришганди. Шеърларидан ўқиди. Қарасам, маъноли, халқона. У менга бахшиларимизни эслатгандай бўлди. Еш йигит экан, руҳланган эракам, деб ўйладим. Шеърларининг йиғиб ишонамга кел, дедим. Пул топиқ-да шеърларини китоб қилиб чиқардик.


нинг бўйида улайди. Ойқор тоғларидан сув чиқади. Муса Анорбоев менга «Ойқорнинг оқ тонглари» китоби билан Ойқор тоғи олдидаги қарзини гўё узатгандай туюлди. Китоб Бахмал ҳақида, унинг бутуни, эртаси, ажойиб табиати, одамлари... ҳақида. Лекин у жуда осон ва рави ўқилади.

«Бахмал туманидаги шеърларнинг китоб қилиб чиқарилиши» китобини ўқиб берди, жуда маъноли. Ҳомий топиш керак. Албатта чиқариш лозим. Шеърлар тўламини чиқаролаётган бундай ёшлар кўп бўлиши мумкин. Шарофиддинга топширдим. Шугулнади. Муҳдат — 12.08. гача. 3.08.99 йил.

Исмаи ХУДОЁЕВ.

XXI аср спорти

Яна бир беллашув




Халқимизнинг тўю-томошаси азалдан полвонлар иштирокида ўтганини биламиз. Шу бос ҳам курашчиларимизнинг Бухородаги бу галги беллашувлари Наврўз байрамига бағишланди.

1985-87 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўрта-сида ташкил этилган Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида 400 га яқин ёш полвонлар иштирок этиди. Таъкиллаш жонки, мусобақа вилоят ҳокимлиги, Жисмоний тарбия ва спорт

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ



Хар бир хонадонга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2001 йил АПРЕЛ ОЙИНИНГ 4, 18, 25 КУНЛАРИ, МАЙ ОЙИНИНГ 4, 16, 30 КУНЛАРИ, ИЮН ОЙИНИНГ 6, 20, 27 КУНЛАРИ ким ошди (аукцион) савдоларини ўтказилади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади: 1. Паркент тумани, Қуруқсой мавзеси, «Гулбоғ» ширкат хўжалигига қарашли сатҳи 600 кв. м. бўлган 28 та ер майдони. Хар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 51852 сўм.

Вилоятларнинг бошқа туманларида уй-жой қуриш эҳтиёжи бўлган ҳамюртларимиз бизга мурожаат қилишлари мумкин. Шу билан бирга ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари биржа савдолари ўтказилади. Савдоларга автотранспорт, қишлоқ хўжалик техникаси, бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар қўйилади.

Тиконли арзандалар

Литванинг Шяуляй шаҳарчасида истиқомат қилувчи Алгимантас Баублис оиласи, мана 20 йилдирки, уч хонали уйда кактус парварин қилади. Ҳозиргача кактуслар сони саккиз юзга етди. Жой тақислик қилганидан эр-хотин барча хоналарин арзанда усимликларига бўшатиб бериб, ўзлари ошхонада яшаб келишмоқда. Улар ҳатто севишли мушук ва итларин ҳам қишлоқдаги қариндошларига бериб юборишди.

Энди навбат аёлларга

Ҳодаявудга оид янги миш-миш тарқайди. Бундан буён машҳур супержос Жеймс Бонд ролвини аёл киши ўйнайди. Хабарда айтилишича, Буюк Британиялик актриса Кэтрин Зета-Жонс «Агент-007» фильмида бош ролни ўйнаш учун синовдан ўтмоқда. Илгари Жеймс Бонд ролда Шон Коннери, Рөжер Мур ва Пирс Броснан каби таниқли актёрлар ўйнаб келар эди. 38 йилдан буён саҳнадан тушмай келатган бу киноасар мазкур актёрларини нафақат машҳур, балки бадавлат ҳам қилиб юборди.



Тарки одат...

Хитойликларнинг иштаҳаси ҳақида баҳслашган одам албатта ютказида. Улар табиатда нима учраса - усимликни, судралиб юривчиси, қушни ёки хайвонни ҳаммасини овқат сифатида истеъмол қилаверишади. Лианьинг вилоятининг Нуаньши қишлоғида истиқомат қилувчи Цзя Чуньсёе исми олат қилган. У қунига 250 грамм кўмир емаси ўзини похуш ҳис қилади. Бу ҳол шифокорларин ҳам ҳайратта солган. Цзя Чуньсёеининг эса соғлигини шикоятчи йўқ.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги соғи 24 март, шанба кун чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

танлов савдоси (тендер)ни эълон қилади. Мўлкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари қуйидаги объект бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилинади.

Table with 3 columns: №, Объект номи ва жойлашган манзили, Қуввати, Топшириш муддати.

Қурилиш Наманган давлат университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ажратилган давлат инвестиция ресурслари ҳисобидан олиб борилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келиши керак: зарур касбий ва техник имкониятларга, ишончлилиқка, тажриба ва нуфузга, зарур меҳнат ресурсларига, моддий маблағлар ва бошқа моддий-техник ресурсларга эга бўлиши, шунингдек, шартнома (контракт) тузишга фўқаролик ҳуқуқий лаёқатга ва ваколатларга эга бўлишлари талаб этилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун савдо ташкилотчиси - Наманган давлат университетида, қуйидаги маълумат, иш кунлари 9.00дан 17.00гача мурожаат қилишга мумкин: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Бир комплект тендер ҳужжатларининг нархи 20000 сўмни ташкил этади. Маълумот учун тел.: (8-36922) 6-51-00, факс: 6-61-07.

«MALVIL» МЧЖ

ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН БИЛАН ИШЛАЙДИГАН КУВВАТИ 300 ВА ДАН 800 кВАга БЎЛГАН ЭЛЕКТРСТАНЦИЯЛАР (исталган қувватдагиси)

Ишлаб чиқарувчилар: Германия (Geko), Италия (Lifter), Япония (Honda), Россия

UPS КУВВАТИ 300 ВА ДАН 800 кВАга БЎЛГАН =УЗЛУКСИЗ ОЗУКА БЛОКЛАРИ

Ишлаб чиқарувчи: Франция (MGE).

Тошкент ш., 700000, В. Малясов кўчаси, 3, 113, 115-хоналар. Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil@operamail.com.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ҳақ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида термалди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ. Навбатчи — Қ. ЭШМАТОВ. Мусаввир — Ш. МАНРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.00. 1 2 3 4 5 6